



36) ... { ... 37)].

«(У чироқ) **бир уйларда** (яъни масжидларда ёқилурки), **Аллоҳ уларни баланд кўтариб, (бино) қилинишга ва уларда ўзининг номи зикр қилинишига изн берган** (яъни амр қилган) эди. (У масжидларда) **эртаюкеч У зотни поклайдиган кишилар борки, уларни на тижорат ва на олди-сотти Аллоҳни зикр қилишдан, намозни тўқис адо этишдан ва закотни** (ҳақдорларга) **ато этишдан машғул қила олмас**» (Нур сураси, 36-оят).

\* ... :... :... .«...» :... :...

1. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«**Ким тонг отганда ва кеч кирганда «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи», деб юз марта айтса, Қиёмат куни бирор киши ундан афзал бўла олмайди. Фақатгина у каби айтса ёки ундан зиёда қилса афзал бўлади холос**», дедилар».

Имом Муслим ривоятлари.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

